O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 10 октябрь, № 198 (4097) Сешанба

Пахта — 2006

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.

Тошкент вилояти:

ТУБ БУРИЛИШ

Сўнгги йилларда Тошкент вилоятида пахта тайёрлаш бўйича шартнома режалари сурункасига бажарилмади, уддаланган тақдирда ҳам, хомашё паст навларга қабул қилинди. Натижада фойда жуда кам бўлди. Шу боис ўтган йил 7 ноябрда бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз бу тармоқда юзага келган аҳволни чуқур таҳлил қилиб, уни ўнглаш бўйича кўрсатма ва йўл-йўриқлар берган эди.

Бундан тўғри хулоса чиқарган вилоят деҳқонлари жорий йилда фидокорона меҳнат қилдилар. Ислоҳотлар изчил амалга оширилганлиги, фермерлик ҳаракати ўзини оқлаганлиги, фермерлар учун зарур инфратузилма яратилганлиги туфайли улар мамлакатимизда учинчи бўлиб шартнома режасини бажардилар. Қайта ишлаш корхоналарига 275 минг тоннадан зиёд саноат хомашёси етказиб берилди. Тайёрланган ҳосилнинг асосий қисми биринчи навларга сотилди. Унинг қарийб 79 фоизи эса фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади.

Бу, юқорида айтилганидек, зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкат хўжаликлари негизида пахтачиликка ихтисослашган бир неча мингдан ортиқ фермер хўжаликлари ташкил этилганининг самарасидир. Масалан, жорий йил бошида Чиноз туманидаги "Йўлтушган" ширкат хўжалиги ерлари фермерларга бўлиб берилган эди. Ўтган даврда янгидан тузилган ёнилғи қуйиш шохобчаси, муқобил МТП ва СФУ уларнинг хизматида бўлди. Пировардида натижа кутилганидан ҳам зиёд бўлди. Фермерлар бу йил туманда биринчи бўлиб топшириқни уддалашди. Режа 125 фоиздан ошириб бажарилди. Ҳар бир гектар майдондан йиғиштириб олинган хомашё 35 центнерга етди. Бунинг эвазига якунда бир неча юз миллион сўмдан зиёд фойда кўриш кўзда тутиляпти.

Эришилган ютуққа вилоятда иккинчи бўлиб шартнома режасини бажарган Қуйи Чирчиқ тумани деҳқонлари, айниқса, муносиб улуш қўшдилар. Улар ҳозиргача қабул пунктларига 39 минг тоннадан зиёд хомашё топширдилар. Ҳар гектар майдондан йиғиштириб олинган "оқ олтин" 30 центнердан ошди. Фермер хўжаликларида эса бу кўрсаткич янада юқоридир.

— Бу йил ҳақиқий пахта йили бўлди, — дейди шу тумандаги "Муродбек қизи Марал" фермер хўжалиги бошлиғи Муродбек Юнусов. — Саккиз гектар майдонда ғўза парваришлаб, шартнома режасини 180 фоиз бажардик. Ҳосилдорлик 38 центнерни ташкил этди. Унинг ҳаммаси биринчи навларга топширилганлиги боис 10 миллион сўм даромад олишни мўлжаллаяпмиз.

(Давоми 2-бетда).

Партия фракцияларида

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИ



Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик ҳамда Халқ демократик партияларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда қуйи палата ялпи мажлиси муҳокамасига киритилиши мўлжалланаётган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама этилди.

ЎзХДП фракцияси йиғилишида дастлаб, Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган "Ҳомийлик фаолияти тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси атрофлича кўрилди. Мазкур лойиҳа, фракция аъзолари таъкидлаганидек, мамлакатимиз Президентининг "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, у ҳомийлик фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини белгилашга йўналтирилгандир.

"Адолат" СДП фракцияси аъзолари ҳам ушбу лойиҳа ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Уларнинг фикрича, "Ҳомийлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳомийлик фаолияти тизимини ривожлантиришни таъминловчи зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитларни, иқтисодий ва молиявий механизмларни яратади. Шунингдек, фракцияда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасига муносабат билдирилди.

Фракциялар йиғилишларида яна бир муҳим ҳужжат — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган "Умумжаҳон почта иттифоқи Уставига тааллуқли Еттинчи қўшимча баённомани (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги Қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Умумжаҳон почта иттифоқига 1994 йилда аъзо бўлган. Шу боис, XXIII Конгрессида (Бухарест, 2004 йил) ушбу иттифоққа аъзо мамлакатлар қаторида мамлакатимизнинг ваколатли делегацияси қатнашиб, ратификация қилиш ёки маъқуллаш шарти билан бир қатор Актларни имзолади. Улар қаторида 2006 йил 1 январдан кучга кирган Умумжаҳон почта иттифоқи Уставига Еттинчи қўшимча баёни ҳам мавжуд.

Кўрилган шу ва бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди ва фракциялар нуқтаи назари белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз.

«Гиёҳвандликка қарши экстрим»

Куни кеча пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий боғида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кўмагида «Гиёҳвандликка қарши экстрим» мавзуида IV Ёшлар фестивали ўтказди.

Беллашувдан мақсад экстремал спорт турлари – тоғли чанғи, сноуборд, роликли коньки, скейтбордга ўсмирлар қизиқишини янада ошириш баробарида уларни гиёҳвандлик, компьтеромания, тамаки чекиш сингари иллатлардан асраш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдир.

— Эндигина улғайиб келаётган ўсмирларни турли экстремал спорт мусобақаларига жалб этиш асосий истагимиз, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси раҳбари Дилбар Алимжонова. — Келажак ворислари бўлган фарзандларимизни ҳар томонлама соғлом ва етук вояга етказиш ҳамда ёт ғоялар таъсиридан йироқ тутиш бизнинг бурчимиз.

Фестивалда 6-22 ёшгача бўлган ўсмирлар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Тадбир якунида концерт дастури уюштирилиб, иштирокчилар қимматбаҳо совғалар ва дипломлар билан тақдирландилар.

Шоира БОЙМУРОДОВА.

АҚШ — ЎЗБЕКИСТОН САВДО ПАЛАТАСИНИНГ ЮБИЛЕЙ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши икки мамлакат манфаатларига ҳам хизмат килади. Бу ҳақда юртимизнинг Вашингтондаги элчихонасида бўлиб ўтган АҚШ — Ўзбекистон савдо палатаси (АЎСП) ўнинчи йиллик мажлисида таъкидланди.

Учрашувда АҚШ Давлат департаменти, Савдо ва Энергетика вазирликлари, Савдо ва тараққиёт бўйича агентлик, АҚШ Эксимбанки, шунингдек, «Ньюкем», «Кейс Нью Холланд», «Дановант Энтерпрайзис», «Боинг», «Катерпиллар», «Мартин Локхид» ва бошқа нуфузли компанияларнинг вакиллари иштирок этди.

Мажлисда сўзга чиққан Савдо палатаси президенти Ж.Корнелл ўтган ўн йил давомида АЎСП АҚШ билан Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожига муносиб ҳисса қўшганини таъкидлади. Унинг айтишича, «АҚШ компаниялари Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган тўғридан-тўғри сармоялар ҳажми бўйича етакчи ўринларда тургани Савдо палатасининг муваффақиятли фаолиятидан далолат берувчи ёрқин мисоллардан бўла олади». Унинг фикрича, АЎСП нафақат икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий мулоқотнинг мустаҳкамланиши, балки «АҚШда Ўзбекистоннинг улкан тарихий-маданий мероси аҳамиятини англаб етишнинг чуқурлашишига» ҳам хизмат қилади.

АҚШ давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё ишлари бўйича ёрдамчиси ўринбосари Э.Файгенбаум ҳам АЎСПнинг АҚШ билан Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятини қутлади. «Бугунги мажлис АҚШ Ўзбекистон билан иқтисодиёт ва савдо соҳаларида ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканини намойиш этмоқда», — дея таъкидлади Давлат департаменти вакили.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон делегациясининг мамлакатимиз ҳукумати томонидан иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва хорижий сармоядорлар учун қулай шароит яратиш бўйича амалга оширилаётган чоралар тўғрисидаги тақдимоти АҚШ томонида катта қизиқиш уйғотди. Юртимиз вакиллари «Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига сармоялар жалб қилишнинг асосий йўналишлари», «Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устуворликлари», «АҚШ сармоядорларининг хусусийлаштириш дастурида иштирок этиш имкониятлари» мавзуларига бағишланган маърузаларни ўқиб эшиттирди.

Учрашувда таъкидланганидек, ривожланаётган Ўзбекистон иқтисодиёти АҚШ бозорига нафақат хомашё, балки юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар билан ҳам чиқиш имкониятига эга.

Икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун улкан салоҳият мавжудлигини инобатга олган ҳолда мажлис қатнашчилари савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш муҳим эканини таъкидлади. Шу маънода сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

АҚШ Савдо вазирлигининг Европа ва Евроосиё мамлакатлари бўйича минтақавий директори Ж.Брайденштайнинг таъкидлашича, сармоядорлар учун мавжуд қулай шароитларнинг мустаҳкамланиши Ўзбекистонга йўналтирилаётган АҚШ сармоялари ҳажмининг ортишига хизмат қилади. Унинг фикрича, мамлакатларимизда нефть ва газ, кимё саноати, телекоммуникациялар, энергетика, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд.

АҚШ сайёҳлик бизнеси вакили М.Миллер Ўзбекистондаги сайёҳлик ва хизмат кўрсатиш бозорининг истиқболи порлоқ эканини таъкидлади. «Дунёда Ўзбекистондагидек қадимий меъморчилик обидалари, бой маданият ва урф-одатга эга мамлакатлар кам топилади», — деди у. М.Миллернинг айтишича, Ўзбекистон Марказий Осиё халқларининг маънавий ҳаётидаги ривожланиш ҳамда тенденцияларни белгилаб келган ва белгилаётган табиий цивилизацияли ва тарихий марказдир. Шу боис М. Миллер америкаликлар Ўзбекистоннинг тарихий мероси билан янада кенгроқ танишиши даркор эканини қайд этди.

Мажлис доирасида томонлар гуруҳларга бўлинган ҳолда телекоммуникация ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экология соҳаларидаги ҳамкорлик истиқболлари юзасидан фикр алмашди.

«Телеком/Телематик» президенти Л. Галлахер ўз компаниясининг Ўзбекистондаги фаолиятини, жумладан, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акциядорлик темир йўл компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилган Тошкент — Бухоро йўналишидаги темир йўл қисмининг телекоммуникация тармоғини такомиллаштириш лойиҳаси доирасидаги ишларни ижобий баҳолади.

АҚШнинг «Релюминати» компанияси вакили З. Лиман томонидан электр қувватини ишлаб чиқаришда тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларига бағишланган тақдимот мажлис қатнашчилари эътиборига ҳавола этилди.

«МСТ Corp» президенти Р. Сени унинг компанияси Ўзбекистонда 10 йилдан зиёд вақт мобайнида муваффақиятли фаолият юритиб келаётганини таъкидлади. «Биз мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларга ёрқин мисол бўла оладиган COSCOM уяли алоқа қўшма корхонаси доирасида ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз», — деди у.

Умуман олганда, мажлис қатнашчилари Ўзбекистон ҳукумати томонидан бозор ислоҳотларининг узоқ муддатли дастурини босқичма-босқич тарзда ҳаётга татбиқ этиш ва иқтисодиётни модернизациялаш бўйича амалга оширилаётган ишларга ижобий баҳо берди. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида мамлакатда сўнгги йилларда изчил иқтисодий ривожланиш, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик таъминланди, деб қайд этилди АҚШ — Ўзбекистон савдо палатаси мажлисида.

Маълумки, АҚШ — Ўзбекистон савдо палатаси икки мамлакат ўртасида савдо ва сармоявий фаолиятни ривожлантириш мақсадида кўнгилли асосда тузилган нотижорат ташкилотидир. Унинг таъсисчилари орасига АҚШ томонидан йигирмадан зиёд йирик корпорация ва банклар, Ўзбекистон томонидан олтмиштдан зиёд давлат идораси, уюшма, ташкилот, саноат корхоналари ва хусусий компаниялар кирган.

«Жаҳон» АА.

БУЛОҚ СУВИ КЕЛТИРИЛДИ

Фориш тумани маркази — Янгиқишлоқни тоза ичимлик суви билан таъминлаш яхшиланмоқда.

Туман марказида аҳоли сони ўсиши билан янги турар-жойлар ва ижтимоий иншоотлар кўпаймоқда. Бу ўз навбатида ичимлик сувига бўлган талабнинг ортишига сабаб бўлаётир.

Шуни ҳисобга олиб, тоғ бағридаги Ёнғоқлисой булоқлари суви пластмасса қувурлар орқали 11 ярим километр масофадаги Янгиқишлоқ сув узатиш тармоғига уланди. Натижада аҳолига бир кеча-кундузда ўртача 4-5 минг кубметр ичимлик суви етказиб берилмоқда.

Т.БЕКНАЗАРОВ, ЎзА мухбири.

КОРЕЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистонда Корея Республикаси маданияти кунларининг очилиши бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга санъат ва маданият намояндалари, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари йиғилди.

Тадбирда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида барча соҳаларда, жумладан, маданият, таълим ва фан каби йўналишларда ҳам ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Икки халқ ўртасидаги дўстона муносабатларнинг мустаҳкамланишида маданий ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. Истиқлол йилларида Жанубий Кореяда бўлиб ўтган ўзбек мусаввирлари ва фотоижодкорлари асарлари кўргазмаси, санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концертлар корейс халқини миллий санъатимиз ва маданиятимиз билан яқиндан таништирди. Мамлакатимизда 1998 йилдан буён ўтказиб келинаётган Корея Республикаси маданияти кунлари эса ҳамюртларимизга ушбу дўст халқнинг тарихи, урф-одатлари, санъати ҳақида кенг маълумот олиш имконини бермоқда.

Бу галги Корея Республикаси маданияти кунларида ранг-баранг кўргазмалар, концертлар, корейс фильмлари фестивали бўлиб ўтади.

Жумладан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида Корея опера юлдузлари ва ижрочилари ҳамда томошабинларга яхши таниш бўлган "Сўғдиёна" ансамбли созандалари иштирокида катта концерт дастури намойиш этилади. Корея Республикаси бадиий фильмлари фестивали эса ҳамюртларимизни корейс халқининг тарихи, маданияти, анъана ва урф-одатлари, бугунги ҳаёти билан таништиришда муҳим ўрин тутади. Фестиваль дастуридан халқаро танлов ва фестивалларда совринли ўринларга сазовор бўлган "Донгмак қишлоғига хуш келибсиз!", "Киролнинг эркатойи", "Ширин ҳаёт" каби ранг-баранг мавзудаги бадиий фильмлар ўрин олган.

Бир ҳафта давом этадиган маданият кунлари доирасида, шунингдек, юртимизда истиқомат қилаётган корейс мусаввирлари асарларидан иборат бадиий ва фото кўргазма ҳам очилди. Таъкидлаш лозимки, бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек яшаётган мамлакатимизда корейс миллати вакиллари ҳам турли соҳаларда самарали меҳнат қилмоқдалар. Мамлакатимизда ҳар йили уларнинг ижод намуналаридан иборат кўргазмаларни ташкил этиш анъанага айланган.

Тадбирда Корея Республикасининг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мун Хаёнг иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Обуна — 2006

ЭНГ ТЕЗКОР ВА ҲОЗИРЖАВОБ

«Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради»

Ҳурматли муштарий! Юқоридаги сўзлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қабул қилган, Сенат маъқуллаган, Президент имзолаган қонунларимизнинг сўнгги моддасида ёзиб қўйилишини яхши биласиз.

Расмий эълон эса, биринчи бўлиб **«Халқ сўзи»** ва **«Народное слово»** газеталарида, ўқувчига қулай бўлиши учун китобча шаклида, амалга оширилади.

Ҳуқуқий давлатда яшаётган эканмиз, қонунларсиз олга қадам ташлолмаслигимиз турган гап.

Айни пайтда бизнинг газета ҳафта мобайнида ҳар куни (якшанба ва душанбадан ташқари) чоп этиладиган даврий нашрдир. Жаҳондаги энг муҳим воқеалар, депутатлар ва сенаторлар фаолияти, юртимиздаги ибратли ишлар, эзгу ташаббуслар ҳақида энг тезкор ва ҳозиржавоб мақолаларни ўзбек ва рус тилларида фақат ва фақат «Халқ сўзи» ҳамда «Народное слово» саҳифаларида ўқишингиз мумкин.

Фақат ўз вақтида расмийлаштирилган обуна ушбу нашрларни мунтазам олишингизга кафолат беради.

Бугунги давр талабларига жавоб берадиган, корхона ва ташкилотларнинг юксак савияли раҳбарлари обуна масаласини ҳозирдан ҳал этмоқдалар.

КЕЧИККАН АРМОНДА ҚОЛАДИ, ШУНИ УНУТМАНГ!

Битта гап

Фархан НИЗОМИЙ, Ислом тадқиқотлари Оксфорд маркази директори:

Ҳозирги замоннинг ҳар қандай талабларини ҳал этишга қодир мустақил Ўзбекистон фуқароларининг бугунги авлоди мамлакатда эришилган тарихий ютуқларни бундан буён ҳам давом эттираверади.

Ўтган ҳафтага назар

Бир-бирини қувлаб кунлар, ойу йиллар ўтаяпти. Бироқ, ҳаётнинг мазмуни ортда қолган кунларнинг қанчалиги билан эмас, балки қилинган ишларнинг салмоғи билан аҳамиятга молиқдир. Шу маънода, тарихга айланган ўтган ҳафтада ҳам мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида кўплаб муҳим воқеалар рўй берди. Хусусан, асрлар давомида қондош-жондош бўлиб яшаб келаётган икки халқ — ўзбек-қирғизнинг дўстлигини, яхши қўшничилик муносабатларга эгалигини тараннум этадиган яна бир поғонага қадам қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Қирғизистон Республикаси Президенти Курманбек Бакиев расмий ташриф билан юртимизга келди. Тарихи, маданияти, урф-одати, тили ва дини бир бўлган бу икки халқ ўтмишнинг силсиласида тобланиб, янада яқинлашгани сир эмас.

ҚЎШНИНГ ТИНЧ — СЕН ТИНЧ

Президентлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг бугуни ва эртаси, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги алоқалар, минтақавий хавфсизликка оид долзарб халқаро муаммолар муҳокамасида ҳам қарашларнинг яқдиллигини таъкидладилар. Олий даражадаги учрашувда, Президентимиз, айниқса, юртимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий ислоҳотлар хусусида батафсил тўхталдилар.

Ўтган ҳафтада, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётининг негизи — пахтачиликда катта муваффақиятларга эришилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Тошкент вилояти пахтакорлари зафар марраси-ни забт этдилар. Қабул пунктларига топширилган қимматбаҳо саноат хомашёсининг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, эришилган бу муваффақиятларга мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар асосий омил бўлди. Хусусан, ер адолат ва ошкоралик тамойилларига биноан фермерлар ихтиёрига топширилгани, таъминотчи ташкилотлар деҳқонлар хизматида бўлгани, далада ишлаётганлар моддий манфаатдорлиги ўз вақтида таъминлангани, уруғлик танлашда эртапишар, иқлим ва тупроқ шароитига чидамли ғўза навларига эътибор қилингани мўл ҳосил олиш имконини берди. Юртимиз далаларида йиғим-терим ишлари давом этмоқда. Бошқа вилоятлар ҳам марра сари тобора яқинлашмоқда.

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да "Automotorshou" Ўзбекистон-2006 халқаро автомобиль кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда йирик автомобиль ишлаб чиқарувчи Германия, Россия, Туркия сингари мамлакатларнинг ўттиздан зиёд компаниялари иштирок этди. Кўргазма павильонларидан автомобиль ишқибозларига манзур "BMW", "NISSAN" "Audi"нинг энг сўнгги моделлари жой олгани ҳам кўргазма нуфузини оширди. Эътиборлиси, ана шу машҳур компаниялар қаторида Асакадаги автомобиль заводининг маҳсулотлари борлиги юртдошларимиз қалбида ғурур уйғотди.

Ортда қолган ҳафтада спорт мухлисларининг диққат-эътибори Тошкент теннис марказида бўлди. Сабаби, бу ерда бир неча кун мобайнида жаҳон ракетка усталари ўз маҳоратларини намойиш этдилар. "Tashkent open" деб номланган бу баҳсларда дунёнинг ўн олти мамлакатидан келган аёл теннисчилар ўзаро беллашдилар. Мукофот жамғармаси 145 минг АҚШ долларига тенг "Tashkent open" WTA туркумидаги IV категорияли турнирлардан биридир. У пойтахтимизда саккиз йилдан буён ўтказиб келинади.

Ўтган ҳафтада шунингдек, "Ипотека тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинди. Ушбу қонун кўчмас мулк гарови қўлланилганда вужудга келадиган муносабатларни тартибга солиши билан аҳамиятлидир.

Шу билан бирга ўтган ҳафтада жаҳонда ҳам кўплаб воқеалар юз берди. Айниқса, жаҳон матбуотининг диққат-марказ Россия — Грузия давлатларининг айни пайтдаги муносабатига қаратилди. Хабарингиз бор, Грузия хавфсизлик хизмати ходимларининг тўрт нафар россиялик ҳарбийларни жосусликда айблаб, ҳибсга олиши Россия — Грузия муносабатларини боши берк кўчага киритиб қўйди. Ҳар икки томон сиёсатчилари бу борада ўзларининг ҳақ эканликларини исботлашга уринмоқдалар. Айни пайтда икки давлат ўртасида алоқа коммуникацияси, автомобиль транспорти, қўйингки барча соҳаларда муносабатлар чигаллигича қолмоқда. Халқаро нуфузли ташкилотларнинг аралашуви ҳам ҳозирча самара бераётгани йўқ.

Халқимизда «Қўшничилик минг йилчилик» деган нақл бор. Ўзбекистон ўзига қўшни бўлган давлатлар билан ижтимоий-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга, яқин қўшничилик муносабатларини янада ривожлантиришга интилмоқда. Кавказда эса бунинг аксини кўраяпмиз. Аслида мамлакатлар, айниқса, узоқ йиллар бир-бири билан ёнма-ён яшаган халқлар ўртасидаги зиддият ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Буни асло унутмаслик лозим.

Қурбон ЭШМАТОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Тошкент вилояти:
ТУБ БУРИЛИШ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугун оққўрғонлик пахтакорларнинг ҳам юзи ёруғ. Улар энг кўп — 39200 тонна хомашё сотиб, режани вилоятда учинчи бўлиб адо этдилар. Туман ҳокимлиги иқтисодиёт бўлими бошлиғи Неъмат Худойбоқовнинг айтишича, ана шу "оқ олтин"нинг асосий қисми биринчи навларга қабул қилинган. Бу — нақд 13 миллиард сўмга яқин даромад дегани.

Мазкур туманда ҳам тажрибали, ишнинг кўзини биладиган фермерлар кўп. "Покиза-М" фермер хўжалиги бошлиғи Абдумалик Каримов — улардан бири. Абдумалик аканинг 176 гектар ери бўлиб, унинг 64 гектарида уруғлик пахта етиштирилди. Яъни 150 тонна ўрнига 200 тонналик хирмон уйилди. Ҳосилдорлик эса 35 центнердан ортди.

Пойтахт вилоятида шартнома режаси бажарилганига қарамасдан, кунига йиллик топшириқнинг икки фоизидан ошириб пахта тайёрланмоқда. Пахтакорлар белгиланган режадан ташқари яна 30 минг тонна «оқ олтин» топшириш ниятида суръатни сусайтирмаяптилар.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ҳар ким бу дунёга бахт излаб келган,
Кўнгиллар кўшкидан тахт излаб келган.
Лек ёруғ оламга ўзбек деҳқони
Ўзин сенлаб, пахтасин сизлаб келган.
Қувончлар шарқираб сой бўлган кун бу,
Тошкент осмонида ой тўлган кун бу!

Вафо бекатида мардлар юзлашди,
Ҳар ниҳолга тўккан дардлар юзлашди.
Кўзлашса орият тоғин кўзлашди.
Хуш тилак, хуш ният ижобат кун бу,
Кўҳна Шош аҳлига саодат кун бу!

Ҳар чаноқ дилларга нур сочган ойдир,
Қўллар қадоғига дур сочган ойдир.
Элга ризқ, юрт учун сўнмас чироғдир,
Изларга ҳаваслар тўкилган кун бу,
Машаққат чокидан сўкилган кун бу!

Чиноз чаманига Бекобод бўйлар,
Оққўрғон ҳамиша орини ўйлар,
Бўка осмонига таралди тўйлар.
Шодлик шаробидан маст бўлар кун бу,
Элнинг дуосига даст тўлар кун бу!

Ҳалоллик Ватанда номинг улуғлар,
Юқори, ҳам Қуйи, Ўрта Чирчиқлар,
Арзийди уч бора қилсак қуллуқлар,
Ваъданинг вафоси ушалган кун бу,
Пойингизга таъзим тўшалган кун бу!

Ишонсанг, аё дўст, шу сўзга ишон,
Шунчаки мақтовдан баланддир деҳқон.
Қарсак чал, Момо Ер, яқин кел, осмон,
Оқ тилак кўкларга сиғмаган кун бу,
Армонни қамчилаб қувлаган кун бу!

Уруғликдан кўнгил тўқ

Уруғчилик ва селекция ишларининг пухта йўлга қўйилгани пировардида наманганлик пахтакорларга ўзини ўзи уруғлик билан тўла таъминлаш имкониятини яратди. Тендер асосида ушбу вазифа билан шуғулланиш ҳуқуқини қўлга киритган ширкат ва фермер хўжаликлари жорий йилда ҳам астойдил ишлаб, барча генетик талабларга жавоб берадиган уруғлик етиштирдилар. Жумладан, келгуси йил ҳосили учун асосий фондга 13 минг, захира фондига 6 минг тоннадан ортиқ уруғлик жамғариб қўйилди. Бу белгиланганидан зиёддир.

Таъкидлаш керакки, вилоятда ғўзанинг иқлим ва тупроқ шароитига мос «С-6524», «Наманган-77» «Бухоро-102», «Андижон-35», «Наманган-31» каби навлари танлангани деҳқонларга манзур бўлмоқда.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Пойтахтимиздаги "Ле Гранд Плаза" меҳмонхонасида Ҳиндистон Республикасининг учинчи миллий кўргазмаси бўлиб ўтди. Мазкур тадбир икки мамлакат элчихоналари кўмагида Ҳиндистон-МДҲ Савдо-саноат палатаси ва республика Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ҳиндистон маҳсулотлари намойиши

Маълумки, ўзбек-ҳинд муносабатлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Азал-азалдан бу икки халқ ўртасидаги алоқалар дўстона руҳда шаклланиб келган. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Ҳиндистон муносабатлари қай даражада равнақ топиб бораётганини эса кўплаб соҳаларда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижобий натижасидан ҳам билиш мумкин. Савдо, инвестиция, илм-фан, технологиялар, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, таълим соҳаларини ривожлантиришга қаратилган 55 дан ортиқ ўзаро келишув ҳужжатлари бу жараёнда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, Савдо ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим умумий товар айланмасининг ўсишига алоҳида туртки бермоқда.

Мамлакатимизда ҳинд сармояси иштирокида 35 та қўшма корхона ташкил этилган бўлса, шундан 10 таси тўлиқ хориж инвестицияси ҳисобига амалга оширилган. Юртимиздан Ҳиндистонга пахта толаси, самолёт эҳтиёт қисмлари, ипак газламалар, рангли металл ва бошқа кўплаб турдаги маҳсулотлар экспорт қилинади. Ўз навбатида, ушбу давлатдан доридармон, гиламлар, косметика, чарм ва пойабзал маҳсулотлари импорт қилинади.

— Ҳиндистон учинчи миллий кўргазмаси икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларнинг яна бир ёрқин намунасидир, — деди Ҳиндистон тўқимачилик давлат вазири И.Илонгаван. — Ўйлаймизки, иштирокчилар мазкур тадбир орқали янгидан-янги ҳамкорлар орттириш имкониятига эга бўлди.

Уч кун давом этган кўргазмада тиббиёт, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, кимё маҳсулотлари ва ускуналари, қадоқлаш, телекоммуникация технологиялари ҳамда жиҳозлари махсус бўлимларда намойиш этилди. "Купер Фарма", "Амба Интернейшнл", "Кофи Боард оф Индия", "Караван Импекс" каби йирик компаниялар маҳсулотлари, айниқса, ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Кўргазма доирасида, шунингдек, Ҳиндистоннинг машҳур "Кирлоскар" компанияси томонидан мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун ажратилган сув насосларининг тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди.

СУРАТДА:
кўргазмадан лавҳа.
Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.
Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

Маънавият

Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас.

Ислом КАРИМОВ

ЭГОЦЕНТРИЗМ — ЁВВОЙИЛИК ФАЛСАФАСИ

Яқинда "Ўзбекистон" нашриётида "Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавиятсиз қуриб бўлмайди" деб номланган китоб чиқди. Китобнинг 25-бетида шундай сўзлар ёзилган:

"Ҳозирги пайтда инсоният ҳаётига катта хавф туғдираётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркоагрессия ва СПИД сингари офатларни кўпчилик яхши билади. Лекин бугунги кунда ҳамма ҳам билавермайдиган, ошкора кўзга ташланмайдиган, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлар ҳам борки, ҳозироқ уларнинг олдини олмасак, кейин кеч бўлади. Булар Ғарб оламида кенг тарқалган эгоцентризм ва эркинлик ниқобидаги ахлоқсизлик фалсафасидир".

Эгоцентризм нима?

Бу саволга ҳам ўша китобда жавоб бор. Яъни "эгоцентризм худбинликнинг бир кўриниши бўлиб, фақат ўзини, ўз манфаатларини ўйлаб яшаш, бошқа ҳеч нарсани тан олмасликни билдиради. Инсониятга етказадиган зарари нуқтаи назаридан бу иллат жаҳолат ва ақидапарастликдан асло қолишмайди".

Агар эгоцентризмнинг тили бўлса, у ўзи ҳақида:

«Мен — худбинликман.
Отам — фойда,
онам — ўжарлик,
акам — ёввойилик,
опам — хиёнат,
амаким — лоқайдлик,
тоғам — тошбағирлик,
ўғлим — манқуртлик,
қизим — одамовилик,
дўстим — шуҳратпарастлик,
ватаним — беватанлик,
диним — беҳаёлик,
зотим — жаҳолат,
душманим — бурчларим,
ниятим — борлик,
келажагим — хорлик,
қисматим — зорлик», деган бўларди.

"Менга нима" деб қараш, лоқайдлик, беписандлик, ўзини, ўз манфаатини ҳаммадан устун қўйиш, худбинлик, ҳамма, ҳамма нарсалар менинг ҳузур-ҳаловатимга хизмат қилиши керак, дейиш, шуҳратпарастлик, кибр, маҳмадоналик, тажанглик, бировни эшита билмаслик, хатосини тан олмаслик, совуққонлик, танқидга чидамсизлик – эгоцентризм дардига дучор бўлган одамнинг белгилари.

Ҳалқимизда худбинлар – фақат ўзини кўрувчилар тўғрисида: "Йўлдан озган", "айниган", деган иборалар юради. Булар илгари эл ичида кўп билан юриб, кейин кўпдан айрилиб, ўз қобиғига кириб олган, элга аралашмайдиган одам ҳақида. Атоқли ёзувчиларимиз худбинликнинг ўзбекликка исиодлигини турли персонажлар тилидан айтиргандар. Мана айримлари: "Сиз шу кунгача барча ихтиёрни ўғлингизга топшириб, болани бола қилмадингиз, бир худбин қилдингиз", — дейди Ўзбек ойим Юсуфбек ҳожига (А. Қодирий. Ўтган кунлар). Ёки: "Бўстонбуви характерида ... ҳукмронлик ва ўз раъйини ўтказишга мойиллик, ўжарлик ва худбинлик кучли" (А.Қаҳҳор. Аяжонларим).

3000 йиллик тарихимизда тўпланган ўзбек мақоллари бизларни фарзандларимизни эгоцентризмдан ҳимоя қилишга, бирлашишга чорлаяпти. Худбинлик, эгоцентризмни қоралаяпти: "Кенг-га — кенг дунё, торга — тор дунё", "Ёмон — ўз ғамида, Яхши — эл ғамида", "Диндан чиқсанг ҳам элдан чиқма", "Бойлик — бойлик эмас, бирлик — бойлик", "Оти бирнинг жони бир", "Эл қадрини билмаган, ҳар балога йўлиқар", "Ўзим, деган ўрдан чиқолмас", "Қирқ киши бир ён бўлса, қиғир киши бир ён бўлар".

Бизда ана шу касалнинг бир парчаси — лоқайдлик бор. Атрофимизда бўлаётган улуғ, эртага ўзбек номини оламга достон қиладиган, тарихий ишларни сезмаслик.

Туппа-тузук фарзандларимизни ўз домига тортган, бошқа покиза фарзандларимизга ҳам ифлос панжаларини чўзаётган "мусулмонлар", "демократ"ларга лоқайдлик. Ўзбекнинг бағрикенглиги, соддадиллиги шунга келганда панд бераётганга ўхшайди.

Афсуса ўрин йўқ. Ўзлигимизда, ўзбеклигимизда бағрикенг лоқайдликка қарши даво бор. Бу — жамоавийлик. Кўпдан айрилмай яшаш. Яхши-ёмон кунида кўпга суяниш.

Нажот — миллий мафкурамизда. Ундаги Ижтимоий ҳамкорлик ғоямизда. Жамоавийликда. Бир-биримизни қўллаб-қувватлашимизда.

Ижтимоий ҳамкорлик — азалий бойлигимиз. Лекин у ишлатилсагина, фойда келтира бошлайди. Худди дастгоҳ, машина, ер, компьютер, оёқ остида ётган, лекин биз билмаётган олтиндек. Ишлатилмаса, улардан фойда йўқ. Зарар бор. Жамоавийликнинг яхшилигини айтиб-айтиб, амал қилинмаса ҳам зарар бор. Масалан, ёшлар тарбиясида. "Тарбия — ҳамманинг иши", деймиз. Аввало, ҳар бир онгли ўзбекистонлик ўз оиласидаги тарбия ишлари учун бурчли. Ундан сўнг, қўшнилари, маҳалла, кўча-кўйдаги таниш-нотаниш болалар ҳулқи учун жамоавий бурчга эга.

Биз бегона боланинг яхши ишини кўриб мақтасак, ёмон қилиғини кўриб, тергаб тузатмасак, бошқаларнинг ҳам бизнинг ўғил-қизимиз, неварамиз билан иши бўлмайди. **"Менга нима"** деб ўтиб кетаверади. Демак, биз ҳар бир ўзбекистонлик боланинг ҳулқи учун жавобгармиз.

Бола ёмон қилиғни қаерда қилади? Дадаси, амакиси, акаси, ойиси, холаси, аммаси йўқ жойда. Сиз ўша пайтда ота, она, амаки, ака, тоға бўлинг. Оғзидаги сигаретини ташлаттиринг. Ана шунда ҳар бир киши бошқа ватандошининг боласига амаки, тоға, амма, акадек яқин жонкуярга айланади. Ана шундагина қайсидир ватандошингиз сизнинг ўғлингиз тортаётган сигаретни, қўлидаги шприцини ташлаттиради. Ана шунда "Тарбия — ҳамманинг иши" деган шиор ҳаракатга, ишга айланади. Жиноят камаяди, йўқолиб кетади. "Биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!" деган шиор биз-эди. "Тарки одат — амри маҳол", лекин ичимиздаги худбинликка қарши биринчи қадамни қўйиш керак!

Ҳозирги ўсмирлар ҳам анойи эмас. Бетгачопарлиги бор. "Нима ишингиз бор. Амакиммисиз, холаммисиз", дейди. Шунда: "Ҳа. Амакингман. Ҳа. Холангман. Бас қил", — дея олайлик.

Ўзликка қайтиш осон, ёқимли, роҳатбахш иш эмас. У миллат маънавиятига дахлдорликни, ўзимиздаги лоқайдликни ўзимиз фош қилишимизни сўраётир. Рамазон – покланиш ойида яшаяпмиз. Дин тилида айтсак, ҳар биримиз ичимиздаги лоқайдликка, худбинликка қарши жиҳод эълон қилишимиз вожиб. Бир-биримиздан узоқлашиш учун эмас, яқинлашиш учун биринчи қадамни қўйса, ўшанга савоб кўпроқ ёғилгай.

Фаол фуқаролик позицияси — нурга; эгоцентризм, худбинлик — сояга ўхшайди. Афсуски, баъзи ҳолларда фаол гражданлик позициямизни қаерда, қандай намоён қилишда иккиланамиз. Тортинамиз. Андиша қиламиз. Ваҳоланки, биз қураётган фуқаролик жамияти таомиллари мустаҳкилликни мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилишда фаолликни ҳар куни, ҳамма жойда талаб қилади.

Масалан, икки нафар ўсмир сигарет чекиб турибди. Илгари буни кўриб, "Ие. Нега чекади-я бу болалар", деб, ўтиб кетардик. Тўхтаб, гапиришга иродамиз етмай. Ичимиздаги худбинлик "Нима қиласан кайфиятингни бузиб. Қўй, индама", — дер эди. Виждонимиз сапчиб ўрнидан турар эди-ю, худбинлик уни енгалан қуролланган амалий жамоавийлик "Менга нима" деган лоқайдликни қуритади.

70 йиллик коммунистик эгоцентризм бизларни бир-биримиздан анча узоқлаштириб қўйган. Узоқлашишдан тўхташ, ўзимизга қайтиш, замонавий шакл ва мазмунда тиклаш улкан маънавий вазифамизга айланди. Чунки бизнинг ўзлигимизни биз учун ҳеч ким тиклаб бермайди.

Шошаяпсизми? Хўп. Норозилигингизни қатъий билдириб, йўлингизда давом этинг. Сиздан кейин келаётган ҳу анави талаба йигит, ундан кейин келаётган қўлида соябон тутган аёл ўсмирга "Бас қил" деган миллий талабни қаттиқ қўйсин. Улардан кейин тўртинчи, бешинчи, ўнинчи киши ҳам шу талабни қўйсин.

Кўрасиз. Бу ўсмирга ёқмайди, сизга ўқрайиб қарайди, қўпол гапиради. Лекин охири тан беради. Сигаретани ташлайди. Кўнгилчан бўлмай, қаттиқ талабни қўя олсак, бас. Мабодо эртага у яна шу қилиқни бошласа, яна 2-5 ватандошининг дашномига дуч келсин. Мана, кенг жамоавий яхшиликнинг бир ёмонлик устидан ғалабаси.

Ким билади дейсиз, мана шу уч-тўрт ватандоши 3 минутдан ажратган 10-12 минут вақт Ўзбекистоннинг бир фарзандини ёмон йўлдан қайтариб қолгандир. Балки у Сизнинг, балки, менинг фарзандимдир.

Бир-биримизда миллий ғоямиз, бир-биримизга фарзанд тарбияси учун ёрдам беришдек маънавий бурчимиз бор. Боболаримиз: "Бир болага етти қўшни ҳам ота, ҳам она" деган. Шунга амал қилган. Кўраяпсизми? Ҳеч бир янги кашфиёт керак эмас. Боболар удумига амал қилсак, бас. Чунки шу Ватан барчамизники. Унда вояга етадиган, яшайдиган авлодлар ҳам.

Эгоцентрист ким? Дунёнинг, ҳаётнинг маркази — мен, деб ўйлайдиган, шунга амал қиладиган одам. Унинг ўзидан ўзга нажоти, суянчи йўқ. У ўзини тутиб олгунча ота-онасига таянади. Аниқроғи, ота-она арзанда қилган чиройли, совуқ кўзли, очкўз ғўдак — бола — ўсмир — йигит — киши — тажанг мўйсафид.

Одам қандай қилиб эгоцентрист бўлиб қолади? Ота-онанинг педагогик нодонлиги дастидан. Қандай қилиб? Ота-она ўзлари туққан боласини еру жаҳонга ишонмай, бу дунёнинг марказига айлантириб олишади. Болага буни (дунёнинг маркази бўлишни) ўргатишади. Бола нима қилсин? Ўрганади. Бундай ота-оналар тарбиясида: "Фақат менинг боламга яхши бўлиши керак. Болам бахтли бўлиши керак" деган орзу ҳам камлик қилади. Жоҳил ота-оналар: "Менинг болам ҳаммадан бахтли бўлиши керак" деган принципга амал қиладилар ва ... қаттиқ адашадилар.

Боласининг истаган, ҳатто истамаган, сўрамаган нарсаларини ҳам ўюб ташлашади. Меҳнатни, бировга ғамхўрликни, бошқалар ҳам худди ўзидай одамлигини, уларнинг ҳам ҳурмати, манфаатлари борлигини эслатмайдилар.

Бола боғчасига боради. Ўзидек болалар билан биринчи учрашув. Бошқалардан ота-онасиникичалик ғамхўрликни кутади. Кўрмагач, талаб қилади. Биринчи учрашув — жамоа билан биринчи тўқнашувга айланади. Йиғлайди.

Мактабда муомала, муроса, бурчни билмайди. Масъулиятсиз. Жон куйдирмайди. Ота-она буни қўллаб-қувватлайди. Бошқа мактабга кўчиради. "Катта бўлса, ҳаммаси жойига тушиб кетади", — деб ўзларини алдашади. У катта бўлади. Унга қўшилиб талаблари, ишёқмаслик, масъулиятсизлик, бошқаларга иддаолари, иллатлари ҳам вояга етади. Кучга киради.

Ота-онанинг белидан кучи, чўнтагидан қурби кетади. Энди улар боласи назарида бефойда, кераксиз одамларга айланиб қолишади.

Худбин йигит энди жамоавийлик, кўпчилик бўлиб яшаш тартиб-қоидаларига, бурчларига тўқнашади. Биринчи тўқнашувдаёқ енгилади. "Мен яхши — ҳамма ёмон" деган қулай ёлғон қобиғига уй қуриб, яшай бошлайди. Шундай қилиб, ота-онанинг педагогик билимсизлиги, одамларнинг лоқайдлиги жамиятдан, ҳаётдан асоссиз норози эгоцентристларни пайдо қилади. Маънавий қаровсизлик, бурчсизлик ўсмирни гиёҳвандларга, жиноятчиларга, ким мўмай пул ваъда қилса, ўшаларга топширади.

Шу тариқа, эгоцентрист-худбинлар жабрини биринчи — уларнинг ота-оналари тортади. Кейин бошқалар. Чунки тушунтириб, одамларга яхшилик қилиш керак десангиз, "бунинг томи кетибди" деб ўйлайди. "Ватанга нима бердинг?" десангиз, у: "Ватаним менга нима берди?" дейди ўқрайиб. Чунки у туғилгани, яшаётгани, борлиги учун ҳамма унга нимадир бериши керак. У эса ҳеч кимга ҳеч нарса бермаслиги керак. У сизга «фойдаланса бўладиган ё бўлмайдиган нарса» деб қарайди. Инсон деб эмас. Ватанига ҳам. Шундай яшаб ўтади. Бизларни бу кўйга тушишдан Худонинг ўзи асрасин.

Бунёдкор, оқибатли, аҳил ўзбекчилигимиз бор бўлсин.

Яқинда бир адабиётшунос олим дўстим жуда таъсирли воқеани айтиб берди:

Европалик бир тадбиркор Ўзбекистонда 3-4 йил муқим яшаб, тижорат қилибди. Сафари қариб, кетар вақти етганда камгап, ғамгин бўлиб қолибди. Боисини сўрашса, индамай, бош чайқар эмиш. Охири, "кетар жафоси"га бағишлаб, ош қилишибди. Зарбоф тўн кийдиришибди. Ана шунда жаноб Байдл ўзбек ҳамкорларига ёрилибди:

"Шу пайтгача яхши пул топдим. Ўғлимга ёрдам қилиб келдим. Ватанимга қайтиб боргач, нафақага чиқсам, аввалгидек пул топа олмайман... Ҳеч кимга кераксиз предметга айланаман. Ўлсам, ўғлим билмайди. Билганда ҳам хафа бўлмайди.

Тўрт йил Ўзбекистонда яшадим. Қишлоқ, маҳаллаларда бўлдим. Ўзбекларнинг турмуши ҳақиқий, инсоний турмуш экан. Европада кексайганингда бебахтлик, хорлик бошланади. Ўзбекларда эса ҳаёт ғаштини суриш бошланар экан.

Жисмим Ғарбга кетаётир. Кўнглим Ўзбекистонда қолаётир», дебди намланган кўзларини жовдиратиб.

Бу не ҳол?

Бу — 61 ёшли инсоннинг, одамгарчилик ҳудудидан Ватани — худбинлик ҳудудига қайтаётган одамнинг видолашуви эмасми?

Бу — биз учун одатий, аммо Ғарбда топилмайдиган асл ўзбек турмуш тарзига бир европаликнинг таъзими эмасми?

Муҳаммад ҚУРОНОВ.

Конун ва ижро

Ўтган ҳафта икки палатали парламент томонидан қабул қилинган, Президентимиз имзолаган Ўзбекистон Республикасининг «Ипотека тўғрисида»ги Қонуни «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида расмий эълон қилингани ҳамоно кучга кирди. Бозор муносабатларининг асосий жиҳатларини тартибга келтириш мақсадида ҳаётга жорий этилаётган ушбу Қонуннинг аҳамияти тўғрисида «Ипотека банк» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси Равшан ШОРАҲБАРОВ билан мухбиримиз суҳбати қуйида эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Республикамизда аҳолининг шинам уй-жойларга бўлган талаб-эҳтиёжларини мумкин қадар тўлиқ таъминлаш, уй-жой қурилишини ва уй-жой бозорини, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларда жадал ривожлантириш мақсадида, уй-жой қурилиши учун имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизимини кенг жорий қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Ўзуйжойжамғармабанк» ва «Замин» банки акциядорларининг мазкур банкларни бирлаштириш ва улар асосида «Ипотека банк» акциядорлик тижорат ипотека банкини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи маъқулланиб ва унинг асосида 2005 йилнинг 16 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-10-сонли Қарори қабул қилинди.

ИПОТЕКА — КЎЧМАС МУЛК КАФОЛАТИ

Мазкур қарорга асосан «Ипотека банк» АТИБнинг ва бошқа тижорат банкларининг асосий вазифалари қилиб қуйидагилар белгиланди:

— якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизимини жорий этиш;

— якка тартибда уй-жой қурувчиларга ва аҳоли учун турар жойлар барпо этадиган хўжалик юритувчи субъектларга кредит олишда кўмаклашиш;

— уй-жой қурилиши учун ипотека кредити беришни ривожлантиришга хорижий инвестициялар, жумладан кредитларни, шунингдек, халқаро ва маҳаллий молия институтлари инвестиция ҳамда грантларини жалб этиш;

— республика минтақаларида банкнинг ихтисослаштирилган хизматларидан аҳолининг кенг фойдаланишини таъминлайдиган филиаллар шохобчасини ривожлантириш;

— замонавий, тежамли, бозорда талаб юқори бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредит билан таъминлаш.

— Шу ўринда Ипотека кредитларининг аҳамияти тўғрисида қисқача гапириб ўтсангиз.

— Аҳолининг йилдан-йилга ўсиши билан биргаликда мазкур аҳоли томонидан уй-жойга ҳамда уй-жой масаласи ечимини ҳал этувчи ипотека кредитларига бўлган талаб ўсиб боради. Ҳар қандай мамлакатда ипотека кредитларининг ривожланиши шуни кўрсатадики, ушбу мамлакатда аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласи ўз ечимини топганлигини, ижтимоий соҳанинг ривожланиб боришини, бунда хизмат кўрсатиш соҳаларини, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи ва уй-жой қурилиши билан шуғулланувчи корхоналарни, молиявий институтларни ривожланишига олиб келади. Ипотека кредитларининг йўлга қўйилиши билан бир қаторда иккиламчи уй-жой бозорини янада жадал ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади.

Ипотека кредитлари уй-жойларга бўлган талаб-эҳтиёж масалалари билан биргаликда узоқ муддатга аҳолидан маълум миқдордаги пул маблағларини жалб қилиш масалаларининг ечимини топишда ҳам ёрдам беради.

Олиб борилган таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, ипотека уй-жой кредити қуйидаги тамойилларга асосланган бўлиши лозим:

— ипотека уй-жой кредит тизими мавжуд халқаро тажрибани ҳисобга олиши лозим. У республикамиз макроиқтисодиёт шартлари ва қонуний базасига мос бўлиши, ипотека кредитида банк-кредиторга узоқ вақт боғлиқ бўлиш ҳолатини ҳозирча эҳтиёткорлик билан қабул қилаётган аҳолининг психологик аспектларини ҳисобга олиши лозим;

— даромад даражаси ўртача ва паст бўлган аҳоли гуруҳлари учун ипотека кредити мумкинлигини таъминлаш лозим. Бунда ипотека кредитлаш тизими бозор ва давлат характерига эга бўлиши, ипотека кредити жараёни барча иштирокчилари учун тўлиқ тушунарли бўлиши лозим;

— ипотека кредити тизими ривожланувчи характерга эга бўлиши, фуқаролар, тижорат банклар — кредиторлар, инвесторларнинг жалб этилган молиявий ресурсларини самарали фойдаланишга ва фуқароларга имтиёзлар берган ҳолда қўллаб-қувватлашга таяниши лозим;

— ипотека уй-жой кредитлаш тизими давлатимизнинг барча ҳудудларида йўлга қўйилиши лозим. У ёки бу ҳудудда ипотеканинг ривожланиш суръат ва миқёси ҳудудда объектив иқтисодий ҳолат, уй-жойга бўлган тўлов лаёқатлилик талаби ва уни таклиф этиш билан белгиланиши лозим.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 16 февралдаги ПҚ-10-сонли Қарорида ипотека кредитларини беришда белгиланган асосий шартлар ва Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида маълумот берсангиз.

— Ипотека уй-жой қурилишини қўллаб-қувватлаш учун Жамғарма "Ипотека банк" акциядорлик тижорат банкида, ипотека кредити бериш дастурида қатнашувчи бошқа банкларда шартнома асосида кредит линиялари очади ва кейинчалик улар якка тартибдаги уй-жой қурувчиларга:

Ўзбекистон Республикасининг "Гаров тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, қурилаётган уй-жой (бинолар, иншоотлар, тугалланмаган қурилиш объектлари) жойлашган ер участкаси билан бирга гаровга қўйилганда кредит беради;

ипотека кредити бериш муддати — уч йиллик имтиёзли давр билан камида 15 йил бўлган;

олинадиган кредит бўйича фоиз ставкаси — йилига кўпи билан 5 фоиз бўлган;

уй-жой қурувчининг дастлабки бадали мажбурий миқдорига қўйиладиган талаблар — кўпи билан 20 фоиз бўлган шартлар асосида кредит беради.

Ипотека кредитларини беришда иштирок этувчи тижорат банкларини узоқ муддатли маблағлар билан таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 6 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди ва мазкур қарорга асосан Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш Жамғармаси ташкил этилди.

Қарорга асосан қуйидагилар Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг асосий вазифалари этиб белгиланди:

ипотека кредити беришни ривожлантириш учун халқаро ва хорижий молия институтларининг узоқ муддатли кредитлари, инвестиция ҳамда грантларини, Жамғарма маблағларини тўлдирадиган бошқа манбаларни жалб этиш ва жамлаш;

ипотека кредити беришда иштирок этадиган "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки ҳамда бошқа банклар якка тартибда қарз олувчиларга ўз эҳтиёжлари учун уй-жойлар қуриш, реконструкция қилиш ва харид қилишга кредитлар бериши учун ана шу банкларга шартнома асосида кредит линиялари очиш;

Жамғарма томонидан банкларга бериладиган маблағлардан фақат мақсадли фойдаланилиши мониторингини таъминлаш;

Жамғарма тушумлари ва унинг маблағларидан фойдаланишнинг йиллик ҳамда чорак балансларини шакллантириш.

— Ҳурматли Равшан Қобилович! Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 16 февралдаги ПҚ-10-сонли Қарорида белгиланган асосий вазифаларни бажариш мақсадида банк томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида қисқача маълумот берсангиз.

— Маълумки, мазкур қарорга асосан аҳолининг шинам уй-жойларга бўлган талаб-эҳтиёжларини мумкин қадар тўлиқ таъминлаш, уй-жой қурилишини, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларда жадал ривожлантириш, уй-жой қурилиши учун имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизимини кенг жорий этиш белгиланган.

Мазкур қарор талаблари асосида яқинда Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида маъқулланган "Ипотека тўғрисида"ги Қонунни ишлаб чиқишда актив иштирок этган гуруҳда банк мутахассислари фаол иштирок этишди.

Бугунги кунда қарорда белгиланган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида банкимиз томонидан "Ипотека банк"нинг уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича дастури" ишлаб чиқилган ва ушбу дастур асосида банк томонидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, республика ҳудудларида ипотека кредитларига бўлган талабни ўрганиш мақсадида вилоят марказлари, туманларда, кичик шаҳарларда ва қишлоқ жойларда уй-жой қурилишига ажратилган ва ажратилиши режалаштирилаётган ер майдонлари ҳажми, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан республика аҳолиси сони, меҳнатга лаёқатли ва иш билан банд бўлган аҳоли ва уларнинг уй-жой фонди билан таъминланганлиги ва охирги йилларда қуриб битказилган уй-жой фонди тўғрисидаги маълумотлар олиниб, таҳлил қилиб чиқилди.

Ҳар бир вилоятнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уй-жойларнинг замонавийлиги, шинамлиги жиҳатдан ва уларнинг таннархини мумкин қадар арзонлаштирилган ҳолда ҳар бир вилоят маркази, туман ва қишлоқ жойларга мос ҳолда лойиҳа институтлари билан ҳамкорликда ишлар олиб борилиб ва бугунги кунда қуриладиган уй-жойларнинг лойиҳа смета ҳужжатлари, чизмалари ва қилинадиган харажатларининг намунавий нусхалари тайёрланди.

Бундан ташқари, банк мутахассисларини малакасини ошириш мақсадида «Ипотека. Мулкни баҳолаш. Ипотека кредитлашни мақсади, жараёни ва келишиш тартиблари тўғрисида» ва "Ипотека кредитларини ривожлантириш" мавзуларида Россиянинг Москва ва Венгриянинг Будапешт шаҳарларида бўлиб ўтган ўқув амалий семинарларида иштироки таъминланди ва мазкур семинарларда банк мутахассислари томонидан Европа, Россия, Қозоғистон, Украина ва бошқа давлатлардаги ипотека кредитлари тизими ўрганилди. Семинарда олинган тажрибалар билан биргаликда, банк томонидан АҚШ, Европа ва бошқа мамлакатларда ипотека кредитлари бериш тизими ўрганилиб, банкнинг республика шароитига мослаштирилган «Жисмоний шахслар томонидан уй-жой сотиб олишни тижорат асосида кредитлаш тўғрисида»ги вақтинчалик низоми ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди ва бугунги кунда мазкур низом шартлари асосида ипотека кредитлари бериш тизими тўлиқ йўлга қўйилди.

Жумладан, республика минтақаларида банкнинг ихтисослаштирилган хизматларидан аҳолининг кенг фойдаланишини таъминлайдиган филиаллар шохобчасини ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган.

Ҳозирги кунда банкнинг республика ҳудудларида 38 та филиали ҳамда 146 та мини банклари фаолият кўрсатаётган бўлиб, ўтган давр мобайнида кичик шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида жами 36 та мини банклар ташкил этилди, шундан 21 таси жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида ташкил этилди.

Мазкур банкнинг республика минтақаларида фаолият кўрсатаётган филиаллари ва мини банклари орқали, 2006 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра банк томонидан жисмоний шахсларга уй-жойларни сотиб олиш ва уларни таъмирлаш мақсадида шартнома асосида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 2005 йил ва 2006 йилнинг ўтган даври мобайнида жами **қарийб 4 млрд. 49 млн. сўм миқдорида ипотека кредитлари берилди.**

Аҳоли учун турар жойлар барпо этадиган қурилиш корхоналари кредит олишда кўмаклашиш мақсадида қурилиш билан шуғулланадиган 229 та корхонага жами 18 млрд. 797 млн. сўмлик, замонавий, тежамли, бозорда талаб юқори бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредит билан таъминлаш мақсадида 82 та корхонага жами 14 млрд. 233 млн. сўмлик кредитлар ажратилди.

Бугунги кунда банк мижозлари бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи асосий корхоналар ишлаб чиқараётган қурилиш материалларининг сифати ва ишлаб чиқарувчи қувватлари ҳамда бундай материалларга бўлган бозор талаблари ўрганилмоқда.

Уй-жой қурилиши учун ипотека кредити беришни ривожлантиришга хорижий инвестициялар, жумладан, кредитларни, шунингдек, халқаро ва маҳаллий молия институтлари инвестиция ҳамда грантларини жалб этиш мақсадида бир қатор ишлар қилиниб, мазкур жалб қилинадиган ташқи ва ички маблағлар бўйича тайёрланган таклифлар тақдим этилди.

Банк томонидан хорижий инвесторларнинг маблағларини жалб қилиш бўйича ҳам ишлар олиб борилиб, бунда Халқаро молия корпорацияси, KfW Германия банки, Осиё Тараққиёт банклари билан ҳамкорликда ишлар олиб борилди ва уларнинг вакиллари билан музокаралар ташкил этилди.

Шунингдек, «Ипотека банк» томонидан хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида Ташқи иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестициялар вазирлигидан 2005-2006 йиллар учун молиявий-техникавий ҳамкорлик юзасидан ўтказилган Ўзбек-Герман ҳукуматлараро музокаралар натижасида молиявий ҳамкорлик лойиҳаларидан 2,8 млн. евро миқдоридаги маблағларни ва қўшимча бериладиган бошқа маблағларни узоқ муддатли ипотека кредитлари ҳисобида ажратилишига келишилди.

Жорий йилнинг март, февраль ойида Осиё тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги вакиллари билан учрашилиб, ипотека кредитлари беришни ривожлантиришда "Ипотека-банк" билан ҳамкорлик қилиш ҳамда ушбу йўналишда узоқ муддатли сармоялар ажратиш масалалари кўриб чиқилди ва уларни банк томондан ипотека кредитлари бўйича олиб борилаётган ишларнинг аҳволи билан таништирилди ҳамда ушбу учрашув биринчи босқичли учрашув бўлиб банк фойдасига ижобий ҳал этилди.

— Юқорида "Ипотека банк" ўз маблағлари ҳисобидан ипотека кредитлари бериш тизими йўлга қўйилганлигини айтиб ўтдингиз, ушбу кредит шартлари бўйича қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Ипотека кредитлари – яшаш жойида рўйхатдан ўтган, берилаётган кредит муддатини ҳисобга олган ҳолда 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган (ёш чегарасидан кредит муддатини чиқариб ташлаган ҳолда) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади.

Уй-жой сотиб олиш учун бериладиган кредит валютаси ҳамда асосий қарзни қайтариш ва у бўйича фоизларни тўлаш ўзбек сўмида амалга оширилади.

Кредитлаш объекти бўлиб, бирламчи ва иккиламчи бозорда сотиладиган уй-жойлар, яъни қурилиши тугатилган шахсий уй-жой ёки белгиланган тартибда фойдаланишга топширилган ва фойдаланишдаги кўп квартирали турар уй-жойдаги квартира ёки иккиламчи бозордан олиниб реконструкцияси тугатилган кўп квартирали турар уй-жойда жойлашган алоҳида квартиралар ҳисобланади.

Ҳар бир якка тартибда қарз олувчи ҳисобига бериладиган кредит миқдори лимити энг кам иш ҳақи миқдорининг 2500 карра миқдоридан ошмаган ҳолда белгиланган.

Кредит бўйича таъминотга мажбурий талаблар:

- **кредитга сотиб олинадиган уй-жой гарови;**
- **кредитнинг бутун даври давомида қарз олувчининг ҳаёти ва меҳнатга лаёқатлилигини йўқотишини суғуртаси;**
- **гаровга берилган уй-жойни суғурта қилиш.**

Уй-жой сотиб олиш учун бериладиган кредитни фойдаланиш муддати ушбу низомга мувофиқ 6 ойгача имтиёзли даврбилан 10 йилгача белгиланади.

Бошланғич бадал маблағининг миқдори сотиб олинадиган уй-жой умумий қийматининг камида 20 фоизига мувофиқ келиши лозим. Кредит сотиб олинадиган уй-жой қийматининг 80 фоизи миқдоригача берилади. Қарз олувчи томонидан бошланғич бадалга киритилган пул маблағлари миқдоридан ва кредит муддатидан келиб чиқиб, кредитдан фойдаланганлик учун тўловлар миқдори 12 фоиздан 17 фоизгача ташкил этади.

Кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни камайтириш ёки ошириш, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси ёки банкнинг фоиз сиёсати ўзгарган ҳолда, янги бериладиган кредитлар учун фоизлар тегишли равишда қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Жамшид ТОҒАЕВ.



Ипотека нима ва Ипотека тарихи (ипотека сўзи янги термин бўлиб ушбу сўзнинг моҳияти ва ипотека тарихи қачон пайдо бўлган, қисқача ривожланиш босқичлари)

Ипотека — бу кўчмас мулкнинг гарови асосида кредит олиш, бунда гаровга берувчининг гаровга қўйилган кўчмас мулкининг қийматидан қондириш бўйича гаровга олувчининг бошқа кредиторларга нисбатан имтиёзли ҳуқуқига эга бўлади. Бунда гаровга қўйилган кўчмас мулк ипотека берувчининг ёки учинчи шахснинг эгалигида ёки фойдаланишида қолади. Ҳамма ҳолатларда ҳар қандай кўчмас мулкнинг гарови давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Ипотека гаровга берувчининг молиявий юкини енгиллаштиради.

Ипотека кредити ёрдамида бирламчи ва иккиламчи уй-жой бозорида уй-жой сотиб олиш, янги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш мумкин. Ушбу ҳолатларда уй-жой сотиб олиш ёки қуришда ипотека олувчи томонидан бугунги кунда ўз уйида яшаш шароитини яратади ва банкдан олинган қарз маблағларини узоқ йиллар давомида қайтариш имконини беради.

Ипотеканинг пайдо бўлиш тарихига назар соладиган бўлсак, гаров таъминоти биринчи маротаба Афинада пайдо бўлиб, қарздорнинг шахси хизмат қилган, мажбурият бажарилмаган тақдирда у қулга айланган.

«Ипотека» термини эса биринчи маротаба Грециядa бизнинг эрамиздан олдинги VI асрда пайдо бўлган бўлиб, у архонт Салон томонидан киритилган ва бу қарздорнинг қарз берувчи олдидаги мажбурияти маълум ер майдонларининг таъминоти билан боғланган. Бунинг учун мажбуриятнома расмийлаштирилиб, қарздорнинг ер майдони чегарасида ёзув битилган тахтачали устун қўйилган ва ушбу тахтачада кўрсатилган суммадаги қарзга мазкур ер майдони таъминот сифатида қўйилганлиги кўрсатилган.

«Ипотека» (грекчадан hypotheka – таглик, тирак) номини олган ушбу тахтачали устунда қарз олган ер эгасининг барча мавжуд қарзлари кўрсатилган. Кейинчалик ушбу тахтачали устунлар ўрнига махсус китоблардан фойдаланиладиган бўлишди ва ушбу китобларни ипотека китоблари деб номлашди.

Ипотека институтининг янги даври Рим империяси даврига тўғри келиб, эрамизнинг ҳозирги I асрида ипотека корхоналари пайдо бўлди. Ушбу корхоналар мулклар гарови асосида жисмоний шахсларга кредитлар беришган. Давлатлар томонидан ипотека кредитлари доимий равишда қўллаб-қувватланиб келинган, масалан, Траян императори даврида махсус жамғарма ташкил этилган бўлиб, ушбу жамғарма ҳисобидан етим ва бевалар учун 5 фоизлик ипотека кредитлари берилган. Ушбу ипотека кредитлари Россияда XIX асрда пайдо бўлган.

Хоразм қадим-қадим замонлардаёқ илм-фан ва маданияти юксалган давлат сифатида машҳур бўлган. Бу эса унинг жаҳон илм-фани ва маданияти равнақига беқиёс улуш қўшганлиги, айни пайтда бошқа соҳаларда ҳам илғор бўлиб, гуллаб-яшнаган воҳаларнинг олдинги қаторида турганлигидан далолат беради. Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср ибн Иъроқ, Абу Сахл Масиҳий, Абул Али Мансур ас-Саолибий каби кўплаб алломалар фаолият кўрсатган Хоразм Маъмун академияси ташкил этилганлигининг 1000 йиллиги нишонланадиган кунлар яқинлашган сайин бу қутлуғ даргоҳ номи бутун улуғворлиги билан намоён бўлмоқда.

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ДУНЁ ҚАДРЛАМОҚДА

Ўтган қисқа вақт ичида Юртбошимиз раҳнамолигида мазкур академиянинг мазмун-моҳияти замон талаблари даражасида теран маъно касб этганлиги, тарихий қадриятларимизни тиклашда яна бир муҳим, ҳавас қилса арзигулик эзгу қадам қўйилганлиги, минг йиллик илм даргоҳининг бебаҳо меросини ўрганиш ва тадқиқ этишда ибратли ишлар амалга оширилганлиги, ёш авлод қалбида ўтмишимизга чуқур ҳурмат ва миллий ифтихор туйғуларини камол топтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар фикримизнинг ёрқин далилидир.

Шу муносабат билан Хива шаҳрининг улкан бунёдкорлик ва ободончилик майдонига айланганлиги, қадим Хоразм халқининг ҳамжиҳатлик, топқирлик, ижодий кўтаринкилик билан ажойиб бинолар, йўл ва кўприклар, боғу-роғлар, гулу-гулзорлар яратаётганликлари ҳам таҳсинга сазовор.

Агар бундан ўн аср муқаддам Хоразм Маъмун академиясида астрономия, математика, геометрия, тригонометрия, жуғрофия, кимё, ботаника, тиббиёт, фалсафа, тарих, тил ва адабиёт каби қатор фанлар соҳаларида уч юздан ортиқ алломалар оламшумул илмий тадқиқотлар олиб бориб, кашфиётчиликда дунёга донг таратган эдилар. Бугунги кунда ҳам ушбу муқаддас масканда 50 дан ортиқ илмий ходимлар тадқиқотларни мамлакатимиз халқ хўжалиги талаблари асосида шакллантириш, уларни долзарб муаммолар ечимига қаратиш ва бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда омилкорлик билан ишламоқдалар. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг битта академиги, ўн бир нафар фан доктори ва йигирма олтита фан номзоди борлигининг ўзиёқ, мазкур академия салоҳияти юксалиб бораётганлигини кўрсатиб турибди.

Энг муҳими, Хоразм Маъмун академияси илмий жамоаси номлари юқорида зикр этилган бобокалонларимиз қолдирган бой илмий мерос билан халқимизни баҳраманд этишда астойдил тер тўкмоқдалар. Берунийнинг «Тафҳим», «Китоб ас-сайдона фит-тиб», Абу Али ибн Синонинг «Негизлар» асарига ёзилган «Усул илм ал-ҳандаса» каби форс ва араб тилларидан ўзбек тилига ўгирилган қатор асарлар шулар жумласидандир. Албатта, бундай хайрли тадқиқотларни фаннинг бошқа йўналишларида ҳам кўриш мумкин.

Мамнуният билан эътироф этиш керакки, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини халқаро миқёсда нишонлаш тўғрисида ЮНЕСКО қабул қилган қарор дунёнинг кўплаб мамлакатларида жуда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ташкилотнинг Париж шаҳридаги қароргоҳида Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ва Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишлаб, 26 сентябрдан 12 октябргача давом этадиган кўргазма ва илмий анжуман халқимизнинг тарихий, илмий, маънавий-маърифий илдизлари ниҳоятда бақувват эканлигининг яна бир эътирофидир.

Халқимизнинг азалий удумига амал қилган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тўйга тўёна билан боришни ният қилиб таниқли олимлар Азимбой Саъдуллаев, Ашраф Аҳмедов ва Рустам Сулаймоновларнинг Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган инглиз, француз, рус тилларидаги маърузалар тўпламини кўп нусхада босмадан чиқариб, Парижга юборди.

Муаллифларнинг шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти, академик Шавкат Солиҳов раҳбарлигида ЮНЕСКО томонидан Францияда ўтказилаётган тадбирларда иштирок этганликлари эса нуфузли ташкилотнинг Ўзбекистон ва унинг халқига, ўтмиши ва бугунги дориломон кунларига бўлган чексиз ҳурмати рамзидир.

Нуриддин ОЧИЛОВ.

WTA рейтингида юксалиш

Бир ҳафта давомида «Тошкент теннис маркази» кортлари WTA туркумига кирувчи «Tashkent open — 2006» халқаро аёллар теннис турнирига мезбонлик қилди.



Мукофот жамғармаси 145 минг АҚШ долларига тенг бўлган мазкур турнирда дунёнинг ўн олти мамлакатидан келган теннисчилар иштирок этди. Мусобақа финалида хитойлик Тиантиан Сун ва ҳамюртимиз Ирода Тўлагановалар кортга чиқдилар. Беллашув 6/2, 6/4 ҳисобида Хитой теннисчиси фойдасига ҳал бўлди.

— Ўзбекистон катта теннис мамлакатига айланиб бормоқда, — дейди мусобақаларнинг тантанали ёпилиш маросимида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев. — Буни жаҳон жамоатчилиги ҳам тан олмоқда. Тошкентда ўтаётган турнирлар теннис оламининг янги юлдузларини кашф этишда ҳам ўзига хос мактаб ролини ўтамоқда. Қувончлиси, ана шу юлдуз теннисчилар орасида бизнинг вакилларимиз ҳам бор.

— Сўнгги бир ой мен учун муваффақиятли келди, — дейди Ирода. — Осиё чемпиони бўлдим, Ҳиндистонда якунланган халқаро турнирнинг ярим финалигача етиб келдим. Аммо, «Tashkent open»да 2000 йилда эришган ғалабамни такрорлай олмадим, лекин бундан хафа эмасман. Муҳими, аста-секин ўзимнинг спорт формамни тиклаб бораяпман.

Эслатиб ўтамиз, Ирода 2000 йил «Tashkent open»да ғалаба қозонгач, профессионал теннисчилар ассоциацияси — АТРда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олди. Унинг рейтингда эришган энг юксак натижаси 16-ўриндир. Аммо, қўлидан олган оғир жароҳати анча вақт имконияти даражасида мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум қилди. У икки йил бирорта турнирда қатнашмади. Ниҳоят, Тошкентда ташкиллаштирилган мусобақалар унга яна катта муваффақиятлар эшигини очди. У яқиндагина жаҳон теннис таснифида 362-ўринда турарди. Қарийб бир ой ичида рейтингда анча юқори поғонага кўтарилди.

Энди пойтахтимизда анъанавий тарзда ташкиллаштирилиб келинаётган «Tashkent open» турнири ғолиблари ҳақида. Саккиз йил давомида Анна Смашнова (Исроил), Бьянка Ламаде (Германия), Мария Микаэлян (Швейцария), Руано Паскуаль (Испания), Николь Вадисова (Чехия), Михаэла Крайчек (Голландия) ва ҳамюртимиз Ирода Тўлагановалар мусобақа ғолиблигини қўлга киритганлар. Энди Осиё қитъасининг иккинчи вакили Тиантиан Сун (Хитой) ғолибликка эришди.

«Tashkent open» турнири директори Ш. Утрапатининг таъкидлашича, яқин йилларда турнирнинг мукофот жамғармаси ва категориясини ошириш режалаштирилган.

Агар ушбу режалар амалга ошса, Тошкентдаги мусобақаларда жаҳон рейтингида кучли ўнлик, йигирмаликдан жой олиб турган теннисчилар ҳам қатнашади. Бу теннис оламида юртимиз довруғини янада юксалишига хизмат қилади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI

Ҳурматли тадбиркорлар!

Республика савдо-саноат палатасининг
“Техноэксиминвест” унитар корхонаси

жорий йилнинг 23-27 октябрь кунлари
Германиянинг Мюнхен шаҳрида бўлиб ўтадиган
“SYSTEMS 2006”
информацион технологиялар ва телекоммуникациялар
ҳамда 27 октябрдан 1 ноябргача Пирмазенс шаҳрида
“HAGEHA 2006”
халқ истеъмол моллари кўргазмалари бўлиб ўтади.

Визуал технологиялар, коммуникациялардан фойдаланиш суръати йилдан-йилга кенгайиб бораётганини инобатга олган ҳолда кўргазма давомида сиз барча саноат тармоқлари учун қўлланиладиган янги технологиялар бўйича тўлиқ маълумот олиш имконига эга бўласиз.

Ўз навбатида, сиз савдо ва саноат компаниялари, молия ташкилотлари вакиллари билан учрашиш ва потенциал инвесторлар билан янги ҳамкорлик алоқаларини тиклашга эришишингиз ҳамда кўргазма давомида бўлиб ўтадиган конференция ва лекцияларда қатнашиб ўз бизнесингиз доирасини кенгайтиришга доир маълумотларга эга бўлишингиз мумкин.

Савдо-саноат палатасининг “Техноэксиминвест” корхонаси ушбу кўргазмаларга тадбиркорлар делегацияси ташрифини ташкил этмоқда.

Телефон: 132-08-95.
Факс: 133-78- 42, e-mail: tgulnora@list.ru
Қўшимча маълумотлар учун Гулнора Таировага мурожаат қилиш мумкин.
Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси , 6-уй
(“Билайн” компаниясининг бош офиси рўпарасида
олдинги «Unitel»).

3383R/1864

ДСҚ матбуот хизмати хабар қилади

Қуруқ савлатгами?

Мирзо Улуғбек туманидаги «Буюк Ипак йўли» кўчаси, 156-уйда жойлашган «Рубен-Арташ-сервис» масъулияти чекланган жамияти қаҳвахонасида назораткасса машинаси (НКМ) қуруқ савлатга ўрнатилганга ўхшайди. Чунки қаҳвахонага кириб чиқаётган хўрандалар унинг ишлаганини ҳеч кўришмаган. Туман давлат солиқ хизмати ходимлари ҳам кузатув ўтказиб, бунга қатъий ишонч ҳосил қилдилар. Солиқчилар ўтказган қисқа муддатли текшириш қаҳвахона раҳбари Рубен Осипов харидорга 11 минг сўмга НКМдан чек уриб бермагани аниқланди. Бунинг устига, машина хотирасига 26,8 минг сўмлик савдо пули киритилмаган, кирим ҳужжатларисиз 256 минг сўмлик спиртли ичимликлар, 8200 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари савдога қўйилганлиги ҳам маълум бўлди.

Ноқонуний маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олинди ва Рубен Осиповга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Юлдуз кўрмай...

Термизлик И.Худойбердиев ташкил этган яширин цех юлдуз кўрмай жон берди. Сохта тадбиркор тезроқ бойиш ниятида қўлбола спиртли ичимликлар тайёрлаб, сотишга киришган эди. Лекин шаҳар солиқ хизмати ходимлари бунга йўл қўйишмади.

Рейд ўтказилган куни яширин цехдан 360 литр вино, 20 литр спирт, сонсаноқсиз ёрлиқ ва қопқоқлар, турли ҳажмдаги идишлар ва мосламалар ашёвий далил сифатида олинди.

Тўпланган ҳужжатлар ўрганиб чиқилиб, сохта тадбиркор устидан жиноий иш очилди.

Жарима кор қилмагач...

«Гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга» деб бежиз айтишмаган экан. Шоботлик К.Рахимов «Тико»сини миниб, киракашлик қилиб юрганида солиқчилар қўлига тушиб, 47 минг сўмлик маъмурий жарима тўлашга мажбур бўлган эди. Ўз навбатида туман ҳокимлиги ва давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтишга, белгиланган солиқ ва тўловларни вақтида тўлаб боришга сўз берганди. Рулга ўтириши биланоқ ваъдасини унутиб, яна ноқонуний фаолиятни бошлаб юборди.

Лекин бу гал узоққа боролмади. Яна солиқчилар қўлига тушди. Бир йилда солиқ қонунчилигини такроран бузган шахс сифатида энди унга нисбатан жиноят иши қўзғатишга тўғри келди.

Олис мусиқанинг яқин жаранги

Мамлакатимизда барча миллатларнинг ўз маданияти ва қадриятларини ривожлантириши учун етарли шароит яратилган. Хусусан, юртдошларимизни немис миллий маданияти билан таништиришда Гёте институтининг Тошкентдаги ваколатхонаси алоҳида ўрин тутади. Мазкур институт ташаббуси билан айни кунларда яна бир тадбир уюштирилди. Ўзбекистон ёшлар театрида германиялик мусиқачилар Хайнц Зауэр ҳамда Михаэль Волнининг хайрия концерт дастури ташкил этилди. Ўз маҳорати билан ном қозонган бу икки ижодкор асосан жаз мусиқий йўналишида ижод қилишади. Мамлакатимиз санъатига янгича нафас олиб кираётган ушбу йўналиш йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ўз мухбиримиз.

«МЕДИОФАРМ»
ФАРМАЦЕВТИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ
Сизларга соғлиқ-саломатлик тилаймиз!
Истагимиз – ҳеч қачон бизнинг дори-дармонларимизга муҳтожлик сезманг.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ
Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ – ТУРЛИЧА

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

АВТОМОБИЛЛАР – КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Тармоқлар иқтисодиёти кафедраси профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Қулмамат Абирқуловга онаси
МАҲКАМ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Уюшма аъзоси, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоевга акаси
Раҳмонжон МЕЛИБОЕВнинг
вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси жамоаси катта ўқитувчи
Минаш Маткаримович БАБАЖАНОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Соҳалар иқтисодиёти ва менежменти факультетининг декани Ҳамид Темировга акаси
Акромхон ТЕМИРОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухамедали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Каримов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 21.10 1 2 3 4